

Фитна чиқарадиган тоифалар (биринчи мақола)



12:33 / 17 март 1530

هُلِّلَا يَضْرِبُ دِيغَسْ يَبَأُ نَع
يَبَأُ نَبُّ يَلَعَّ ثَعَبُ لَأَقُ هُنَع
يَلِإُ هُنَعُ هَلِّلَا يَضْرِبُ بِلْأَط
هُلِّلَا يَلَّصُ هَلِّلَا لُوسَر
نَمَّيْ لَانَمَّ لَسَوِ هَيْلَع
نَمَّ لَّصَحَّتْ مَلِّ هَبَهَذِب
ظُورُقْمِ مَيْدَأُ يَفِ أَوْبَارْت

رَفَنَ عَبْرًا نِيَبَ اَهَمَسَقَفِ
رَدَبِ نَبَ عَنِّي عَنِّيَبِ
ذِي زَوْسِ بِاحِ نَبِ عَزُقْ أَلِ اَوْ
لِاقَفِ . عَثَالُ عُمَقْلَعِ لِي خِلِ ا
نُحَنَ اُنُكَ : هِبَ اُحَصَا نَمُ لُجَرَ
عَلَبَفِ . اَلُؤَهْ نَمُ اَذِ هِبُ قَحَا
هَيَلَعُ هَلِ اِلِ صِي بِنِ ا
، يَنُونَمَاتُ اَلَا » : لِاقَفِ مَلَسَو
ءَامُّ سِلِ اِي فُ نَمُ نِي مَ اَنَاو
ءَامُّ سِلِ اُرَبَخِ يَنِي تَايِ
لُجَرَ مَاقَفِ ، « اَسَمَ وَا حَابَصِ
فُرْشُمِ نِي نِي عِلِ اُرِيَاغِ
هَبَجَلِ اُرَشَانِ نِي تَنَجُولِ ا

سَأرلأ قُولُحَمَّ ةَيَّحْلَلَأ ثَك
لُوسَر أَي : لَأَقَف رَأزِلَأ رَّم شُم
: لَأَقَف ، هَلَلَأ قَّتَأ هَلَلَأ
لَهَأ قَحَأ تُسَلَوَأ كَلِيَوُ
؟ « هَلَلَأ أَي قَّتَي نَأ ضُرَألَأ
لَأَق ، لُجْرلَأ يَلَوُ مَث : لَأَق
لُوسَر أَي : دِيَلَوُأ نُبُ دِلَأخ
: لَأَق ، هَقْنُعُ بَرُضَأ أَلَأ هَلَلَأ
نَوُكَي نَأ هَلَعَل ، أَل
مَكُ وُ : دِلَأخ لَأَقَف . « يَلَصِي
أَم هِنَأ سَلَبُ لُوقَي لَصُمُ نَم
لَأَقَف ، هِبَلَق يَفَسِيَل
هُ هَلَلَأ يَلَص هَلَلَأ لُوسَر

رَمُوا مَلَّيْنِا «: مَلَّسَ وَهِيَ لَع
 سَانِلَا بَوْلُقْ نَعَبُ قُنَانَا
 مَثَلَاقِ ، «مُهَنْ وَطُبَّ قُشَا أَلَو
 : لَاقِفِ فِقْمِ وَهِيَ لِرَظْنِ
 آذِهِ ضِضْ نَمُ جُخِي هِنَا
 هَلَلَا بَاتِكَ نَوْلَتِي مُوقِ
 مُهَرَجَانَحُ زَوَاجِي أَلْأَطْرِ
 قُرْمِي أَمَكِ نِي دَلَا نَمَ نُوْقُرْمِي
 : لَاقِ ، «هِيَ مَّرَلَا نَمُ مَسَلَا
 مُهَتْكَ رَدَا نِيَلِ «: لَاقِ هُنْظَا
 . «دَوْمَثَلَتْ قِ مَهَنْ لَتْ قَالِ .

Абу Саъид розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Алий ибн Абу Толиб Ямандан тупроғидан тозаланмаган ёмби тиллани қараз билан ошланган тери ҳамёнга солиб, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламга юборди. У зот уни тўрт кишига – Уяйна ибн Бадр, Акраъ ибн Ҳобис, Зайдул-Хойл ва Алқама ибн Улосага тақсимлаб бердилар. Шунда саҳобалардан бири «Бунга улардан кўра биз ҳақлироқ эдик», деди. Бу гап

Набий алайҳиссаломга етиб борган эди, **«Менга ишонмайсизларми? Ахир мен осмондаги Зотнинг ишончли бандасиман. Менга эртаю кеч осмоннинг хабари келиб туради!»** дедилар. Шунда кўзлари ичига кирган, икки яноғи бўртиб чиққан, дўнгпешона, серсоқол, тақирбош, иштонини шимариб олган бир киши ўрнидан туриб, «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳдан кўрқинг!» деди. У зот: **«Шўринг қурғур, ер юзида Аллоҳдан кўрқишга энг ҳақли одам мен эмасми?»** дедилар. Сўнгра бояги киши ортига қайтиб кетди. Шунда Холид ибн Валид: «Эй Аллоҳнинг Расули, унинг бўйнини чопайми?» деди. У зот: **«Йўқ. Эҳтимол, у намоз ўқир»**, дедилар. «Қанчадан-қанча намозхонлар борки, дилида йўқ нарсани тили билан айтади», деди Холид. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом: **«Мен одамларнинг қалбини тешиб кўришга ҳам, қоринларини ёриб кўришга ҳам буюрилмаганман»**, дедилар. Сўнгра у зот кетиб бораётган бояги кишининг ортидан қараб туриб, **«Мана шунинг наслидан бўлган бир қавмлар чиқади. Улар Аллоҳнинг Китобини кўп тиловат қилишади, лекин у уларнинг бўғзидан нарига ўтмайди. Улар диндан худди ўқ камондан чиққандек тез чиқишади. Агар уларни топсам, Самуд қавмидек қатл қилган бўлардим»**, дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда кейинчалик чиқиб, мусулмонлар орасида фитна чиқарадиган тоифа аъзоларининг баъзи кўринишлари, сифатлари ва ишлари ҳақида маълумотлар келмоқда.

«Шунда кўзлари ичига кирган, икки яноғи бўртиб чиққан, дўнгпешона, серсоқол, тақирбош, иштонини шимариб олган бир киши ўрнидан туриб, «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳдан кўрқинг!» деди».

Демак, бу тоифадаги кишиларнинг кўпчилиги тана тузилишида ҳам ўзига хос сифатларга эга бўлишади. Шу билан бирга, ўзларининг иштироклари билан ўзгарадиган сифатлари ҳам бошқача бўлади. Улар соқолга алоҳида эътибор бериб, уни ўстириб юришади. Улар ўзининг сочи ҳам бошқаларникидан ажралиб туришига аҳамият беришади. Сочларини таг-туби билан қирдириб, тақирбош бўлиб юришади. Улар кийинишда ҳам бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қилишади. Айниқса, тананинг пастки қисмига кийиладиган кийимларининг бошқача бўлишига уринишади, чунки шундагина улар ихтилоф чиқаришга, ўзини кўрсатишга имкон топишади.

Уларнинг кўзга кўринган сифатларидан бири – мусулмон йўлбошчилар, уламо ва фузалоларга нисбатан беҳурмат бўлиш, ўзининг ёлғон даъволари

билан уларнинг обрўсини тўкишга ҳаракат қилиш бўлади. Уларнинг ушбу ривоятда зикри келаётган намояндаси ҳам Пайғамбар алайҳиссаломни Аллоҳ таолодан қўрқмасликда, адолат қилмасликда айбламоқда. Эътибор беринг-а! Бир бетайин нобакор Расулуллоҳ алайҳиссаломни айбламоқда! Унинг издошлари ҳам Набий алайҳиссаломнинг меросхўрларига – уламоларга нисбатан ана шундай муомалада бўладилар.

«Улар Аллоҳнинг Китобини кўп тиловат қилишади...»

Буни ҳам бошқалардан ажралиб туриш учун қилишади. Чин қалбдан, Аллоҳ таолонинг розилиги учун қилишмайди. Роса тиловат қилишади, **«...лекин у уларнинг бўғзидан нарига ўтмайди»** – қалбларига етиб бормайди. Уни англаб етиш ва онгларига сингдиришга уринишмайди ҳам. Шунинг учун **«Улар диндан худди ўқ камондан чиққандек тез чиқишади»**. Кичкинагина сабаб топилса бўлди. Тезда соқолларини қирдириб, кийимларини ўзгартириб, ҳеч нарсани кўрмагандек бўлиб тураверишади.

«Агар уларни топсам, Самуд қавмидек қатл қилган бўлардим».

Чунки улар қаерда бўлса ҳам, фитна чиқаришади, мусулмонларга катта зарарлар етказишади.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан